



ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ ТАНЛОВИ ТУМАН БОСҚИЧИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ



Танловда туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги 48 та умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

Танловни Республика фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти масъул ходими Ш.Ишмуродов, вилоят халқ таълими

бошқармаси ходими Э.Эсанов, туман халқ таълими бўлими мудири Н. Исматов ҳамда бўлим ходимлари масъуллигида ташкил этилди. Саволлар махсус қутилар очилиб ўқувчиларга саволлар тарқатилди. Кун давомида қизғин давом этган баҳслардан сўнг ниҳоят ғолиблар аниқланди.

"Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" танловнинг И-туман босқичида фахрли

1~ўринни 3-сонли умумтаълим мактаби,

2~ўринни 21~сонли умумтаълим мактаби,

3~ўринни 33~сонли умумтаълим мактаб ўқувчилари эгаллашди.